

Назорат улчови ўтказиш бўйича

№ 9 -сонли ШАРТНОМА

Навои ш.

30.03.2022й.

«NAVOIY EXPERT GROUP» МЧЖ номидан Устави асосида фаолият юритувчи ва бундан бўён «Бажарувчи» деб аталувчи директори А. Шаропов бир томондан ва «NAVOIY NEFT BAZASI» МЧЖ номидан Устави асосида фаолият юритувчи ва бундан бўён «Буюртмачи» деб аталувчи директори О.Р.Хасанов иккинчи томондан, қуидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Бажарувчи», «Буюртмачи» нинг топшириғига кўра, мазкур шартномада белгиланган муддатларда, «Навоий нефтбазаси» МЧЖ ва унинг тасарруфидаги филиалларда бажарилган, лойиха смета киймати 1611 172 183 сум (ҚҚСиз) бўлган курилиш ва таъмирлаш ишларининг амалда бажарилг киймати бўйича обьектларда назорат улчовидан ўтказишни, «Буюртмачи» эса, бажарилган ишлар натижасини кабул килиш ва ҳак тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.1. Ушбу шартномани тузиш учун асос: **Etender.uzex.uz** электрон савдо палатасининг 30.03.2022 йилдаги №53214 ЛОТ бўйича ўтказилган танлови натижаси баёни.

1.2. Ишнинг бажарилиш муддати: «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% тўлови амалга оширилиб, зарур хужжатлар тўлик ҳажмда тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календар кун.

1.3. Кўрсатилган муддат «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 2.2.- ва 4.2.-моддалари бузилган холларда узайтирилиши мумкин.

1.4. Шартнома Назорат ўлчови Бажарувчи томонидан тўлик амалга оширилиб Буюртмачига топширилгангача юридик кучга эга.

2. Бажариладиган ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган иш баҳоси ҚҚС билан: **22 556 410 (Йигирма икки миллион бешюз эллик олти минг тўртюз ўн) сўмни ташкил** килади.

2.2. «Буюртмачи», мазкур шартнома имзоланганидан кейин иш 10 кун давомида «Бажарувчи» нинг ҳисоб ракамига олдиндан 30% миқдорда аванс пули ўтказиб беради.

2.3. Бажарилган ишлар бўйича «Назорат ўлчови хulosasi»си, «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи»нинг ҳисоб ракамига тўловнинг қолган 70 фоизи амалга оширилгандан сўнг, тақдим этилади

3. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Ишлар бажарилганидан кейин «Бажарувчи» «Буюртмачи» га назорат ўлчов натижаларни тақдим этади.

3.2. «Буюртмачи» вакили бажарилган ишлар бўйича натижаларни қабул қилишга келмаган ҳолатда, «Бажарувчи» ишлар натижасини, шунингдек «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган хужжатлар мажмууни тегишли равишда сакланишини, ишлар натижасини «Буюртмачи» қабул қилиши лозим бўлган кундан бошлаб, 1 ойдан ортик бўлмаган муддат давомида таъминлайди.

3.3. Назорат ўлчов натижалри бўйича хulosаларни буюртмачига топширишда икки томонлама вакиллари иштирокида топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Мазкур топшириш-қабул далолатномаси ҳисоб-фактурага асос бўлади.

3.4. «Буюртмачи» вакили томонидан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси имзоланмаган тақдирда, «Бажарувчи» бу ҳолатни қайд этиб, далолатнома тузади, кўрсатилган хужжатларни буюртма илова хати билан биргаликда имзолаш учун «Буюртмачи» нинг манзилига юборади.

3.5. «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.4.-моддасида кўзда тутилган буюртма илова хати билан юборилган хужжатлар имзоланмаган ёки имзоламаслиги сабабларини кўрсатиб ёзма жавоб берилмаган тақдирда, «Буюртмачи» га хат юборилган кундан бошлаб 10 календарь куни утгандан кейин, мазкур шартнома бўйича ишлар бажарилган ҳисобланади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартномада кўзда тутилган назорат ўлчов экспертизасини сифатли ва шартномада кўрсатилган муддатда бажариши шарт.

4.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи» га мазкур шартнома бўйича кўзда тутилган ишларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек барча хужжатларни тўлик ҳажмда тақдим этиши, «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишларни қабул қилиши ва мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда тўловни амалга ошириши лозим.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бир томондан бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, иккинчи томонга етказилган заарни қоплайди. Айбдор томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликка тортилади.

5.2. Агар «Бажарувчи» томонидан назорат ўлчов ишлари белгиланган муддатда бажарилмаса, у холда иш бажарилмаган хар бир кун учун «Буюртмачи» га бажарилмаган ишлар қийматининг 0,4% микдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.3. Агар «Буюртмачи» бажарилган ишларининг хакини уз вактида туламаса, хар бир кунига уз вактида туланмаган суммасининг 0,4% микдорида, лекин туланмаган суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тулайди.

5.4. Мазкур шартнома бўйича юзага келувчи барча низолар ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади. Судгача эътиroz хати орқали низо ва келишмовчиликларни ҳал этиб бўлмаса, низо Кармана туманлараро Иктисадий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибга мувофиқ равишда ҳал қилинади.

5.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг З-қисм в) бандига мувофиқ:

- хар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рафбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган холда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қиласликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун хужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёsat ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган холда бу Шартномани бекор қилишга ҳакли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай холда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

6. Шартнома шартларини ўзgartириш ва бекор қилиш

6.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаганидан сўнг кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга кадар амал қиласди. Агар «Буюртмачи» кўриб чиқиш ва оферта қабул қилиш учун шартномани олганидан кейин 5 кун давомида ўз томонидан шартноманинг имзоланган нусхасини «Бажарувчи» га қайтармаса, у холда шартнома имзоланмаган ва қонуний кучга кирган эмас деб ҳисобланади.

6.2. Агар «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 2.2.-моддасида кўзда тутилган тўлов муддатларига риоя қиласа, у холда «Бажарувчи» шартномани бир томонлама бекор қиласди.

6.3. Агар «Бажарувчи» мазкур шартноманинг 4.1.-моддасида кўзда тутилган мажбуриятларини тўлиқ бажармаса, у холда «Буюртмачи» шартномани бир томонлама бекор қиласди.

6.4. Иккала томонларнинг розилиги билан шартнома бекор қилинганда ва шартномада кўзда тутилган ишлар «Бажарувчи» томонидан қисман бажарилган ҳолатларда, «Буюртмачи» ишларнинг сифатли ва муддатида бажарилган қисми учун ҳак тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда «Буюртмачи» ишларнинг сифатли ва ўз вактида бажарилган қисми учун тўланадиган сумма бўйича ҳисоб-китоб ишларига нисбатан эътиroz билдириш ҳуқукига эга бўлмайди.

6.5. Бошқа барча ҳолатларда шартноманинг бекор қилиниши факат томонларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Назорат улчови ишларини бажариш бўйича шартномавий нархларни келишиш ҚАЙДНОМАСИ

Келишилган шартномавий нархларга асосан

Объектлар киймати 1 611 172 183 сум (ККСиз)*1,4% = Шартноманинг келишилган нархи (ҳисоб-китоби) 22 556 410 сум (**Йигирма икки миллион бешуз олти минг тўртюз ўн сум**) ККСиз ташкил қиласди

Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари



Буюртмачи:

«NAVOIY NEFT BAZASI» МЧЖ

Манзил: Навоий вилоят, Навоий шахар,
Лермонтова кўйчаси 4-уи.

x/p:20210 000 200 306 107 001

Банк: АТБ Узсаноат Курилиш банк Навоий

филиали

ИНН:200002538

МФО: 00207, ОКЭД:01024

Тел:770-36-37

Директор

О.Р.Хасанов.



Бажарувчи:

«NAVOIY EXPERT GROUP» МЧЖ

Манзил: Навоий вилоят, Навоий шахар, Толстой
кучаси 16 уй, 56 хона

x/p:20208000 600 729 992001

Банк: "Кишлоккурилиш" банк Навоийфилиали

ИНН:304677135

МФО: 00202, ОКЭД: 71120

Тел:+998905014446, +998907311800.

Директор

А. Шаропов



Ишларини бажариш бўйича

30.03.2022 йилдаги №9/2022-сонли шартномага,

шартномавий нархларни келишиш

БАЁННОМАСИ

30.03.2022й.

Биз, қўйида имзо чекувчи, «Бажарувчи» деб аталувчи «NAVOIY EXPERT GROUP» МЧЖ номидан директори А. Шаропов бир томондан ва бундан бўён «Буюртмачи» деб аталувчи «NAVOIY NEFT BAZASI» МЧЖ бошлиги Ф.С. Пирматовиккинчи томондан, ушбу баённомани «Навоий нефтбазаси МЧЖ ва унинг тасарруфидаги филиалларда бажарилган курилиш таъмиrlаш ишлари» объектларини назорат улчовидан ўтказиб бериш ва шартнома нархларини келишиш ҳақида тузилди.

Объектлар киймати 1 611 172 183 сум (ККСиз)*1,4% = Шартноманинг келишилган нархи (хисоб-китоби) **22 556 410 сум (Йигирма икки миллион бешиоз эллик олти минг тўртюз ўн сум) ККС сиз ташкил килади**

Бажарувчи:

А. Шаропов



О.Р.Хасанов

Sharopov
O.P.Xasanov
Hasanov
Neft Bazaar
Navoiy Expert Group